



20 20 у. « 9 » июль

№ Қ-337

« » 20 г.

**Термиз тумани “Учқизил” маҳалласи
худудидан “TERMIZ QO’NG’IROT
STROY” МЧЖга “Иссиқхона” қуриш
учун вақтинча ер майдони ажратиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/310-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 23 майдаги 217/01-42-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/310-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Учқизил” маҳалласи худудидан “TERMIZ QO’NG’IROT STROY” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 140к-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 42,1 балл бонитетли жами 1,5 гектар суғориладиган экин ер майдони қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “TERMIZ QO’NG’IROT STROY” МЧЖ бошлиғи Н.Чоршанбиевага:
ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши:

мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботиға тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов